



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қишлоқ хўжалигида билим ва
инновациялар миллий маркази

Бош директори

А.Тураев

“ _____ ” 2022 йил

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Ички аудит ва комплаенс назорат тўғрисидаги Н И З О М

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Мазкур Низом Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази *(кейинги ўринларда – Миллий марказ деб юритилади)* Ички аудит ва комплаенс назорат бўйича бош мутахассиснинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби ва масъулиятини белгилайди.

2. Ички аудит ва комплаенс-назорат Миллий марказ фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 октябрдаги ПФ-6098-сон “Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 114-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, марказнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Ички аудит ва комплаенс-назорат бўйича бош мутахассиси тўғридан-тўғри Миллий марказ Бош директориға бўйсунди ва унинг олдиди ҳисобот беради.

4. Ички аудит ва комплаенс-назорат бўйича бош мутахассиси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирликнинг буйруқлари, Ҳайъати қарорларига, марказнинг буйруқлари ҳамда ушбу Низом мувофиқ олиб боради.

5. Ички аудит ва комплаенс назорат бўйича бош мутахассиси ички аудит ва комплаенс-назоратни ўтказиш, шунингдек ички аудит ва комплаенс-назорат натижалари тўғрисида ҳисоботлар тайёрлашда мустақилдир ва марказ бош директориға бўйсунди.

6. Ўрганишларни (текширишлар, мониторинг) Миллий марказ Бош директорининг буйруқлари (йиғилиш баёни, билдирги ва бошқа ёзма шаклдаги топшириқлар) асосида ўтказилади.

7. Ушбу Низомда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

ички аудит – Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатларга ва ички меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини ўрганиш, баҳолаш, бартараф этилишини таъминлашишга кўмаклашиш;

комплаенс-назорат – Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатларига, ички тартиб-таомилларга мувофиқлигини текшири ҳамда қонун ва қонуности ҳужжатларга риоя этилишида ёки этмасликда юзага келадиган коррупцион ва манфаатлар тўқнашувига оид хатарларни аниқлаш;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўкнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

монополияга қарши комплаенс тизими – фаолиятда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ҳафини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллардир;

назорат объекти – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда марказнинг тизим ташкилот ва муассасалари;

кўрсатма – Ички аудит ва комплаенс-назорат томонидан назорат объектига бажарилиши мажбурий бўлган топшириқ.

8. Ички аудит ва комплаенс-назорат мустақиллик, холислик, ҳалоллик, касбий билимга эғалик ҳамда ахборотнинг махфийлиги принциплари ва одоб-ахлоқ қоидалари асосида иш юритади.

2-боб. Ички аудит ва комплаенс-назоратнинг вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Ички аудит ва комплаенс-назорат вазифалари ҳисобланади:

Тизимда ички аудитни амалга ошириш, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш;

Тизимда комплаенс-назоратни амалга ошириш;

Тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, Миллий марказ тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, марказ тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

10. Ички аудит ва комплаенс-назорат ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Тизимда ички аудитни амалга ошириш, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш соҳасида:

тизимда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига амал қилинишини ўрганиш ва баҳолаш;

ҳаражатлар сметалари ва штат жадвалларини меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида тўғри тузилиши ва ижросини ўрганади;

молиявий дастурий тизимлар (УЗАСБО) дан фойдаланган ҳолда камерал ва сайёр ўрганишни олиб боради;

юзага келган дебитор ва кредитор қарздорликларнинг асослилигини ўрганади;

накд пул маблағлари, товар-моддий бойликлари ҳамда бошқа активларни сақланиши ва ҳолатини мониторинг қилади;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида молиялаштирилиши ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан мониторинг ўтказди;

қарздорликларни ундириш ва қисқартириш, тўлов интизомига риоя этилишини таҳлил этиш асосида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини самарали фойдаланилганлигини ўрганади;

белгиланган натижадорлик мезони ва кўрсаткичларнинг бажарилишини текшириш, ўрганиш, мониторинг ўрнатиш ва таҳлил қилиб боради;

ваколат доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, меҳнат ва ижро интизомини таъминлашни назорат қилиш;

бошқа вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг назорат органлари билан ҳамкорлик қилиш ва назорат даражасини ошириш учун зарур бўлган ахборот алмашишларни амалга оширишни марказ раҳбари рухсати билан ташкил этади;

марказнинг меъёрий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

манфаатлар тўқнашуви, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик ҳолатларини аниқлаш ва жавобгарликка тортиш бўйича таклиф киритади;

норматив ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш чораларини кўради.

б) Тизимда комплаенс-назоратни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари:

коррупцияга қарши ички назорат тизими – “комплаенс-назорат” ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этади ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш, юритиб бориш ишларини ташкил этади;

тизим ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, улар фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича ишларни амалга оширади;

тизимда коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилади;

тизимнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштиради;

тизимда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

тизимда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

Миллий марказда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Миллий марказ фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали тизим ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

тизим ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

тизим фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказиши;

коррупция қарши курашиш бўйича давлат дастурларида тизимга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

тизимда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

тизим ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этади;

тизим ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

в) монополияга қарши комплаенс назорат тизимини жоний қилиш, баҳолаш, мониторинг ўтказиш соҳасида:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини мониторинг қилади;

рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлайди, хавфлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритади ва юзага келиш эҳтимолини белгилайди;

3-боб. Ички аудит ва комплаенс-назоратнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

11. Ички аудит ва комплаенс-назоратнинг ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун марказ ва унинг тизим ташкилотлари ва муассасаларида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички аудит ва комплаенс-назорат ходимлари ўз вазифа ва функцияларини тўлиқ бажариши учун назорат объектида сўзсиз равишда ҳар бир хонага кириш, фаолиятига дахлдор исталган ҳужжатлар, шу жумладан ҳисобот, баённома, ёзувлар, электрон файллар, молиявий ахборот тизимларидан эркин фойдаланиш ҳамда раҳбар ва масъул ходимларидан маълумот ва изохларни талаб қилиб олиш. Бунда сайёр ўрганиш жараёнида назорат объекти томонидан ўрганиш учун шарт-шароитлар (хона, компьютер, принтер, концеварлар ва ҳ.к.) яратиш бериши лозим;

назорат объектида давлат назорат органлари томонидан ўтказилган ҳар қандай турдаги барча текшириш материалларини (далолатномалар, маълумотномалар ва ҳ.к.) талаб қилиб олиш. Бунда, назорат объекти томонидан талаб қилинган ҳужжатларни ўз вақтида ва биринчи талабдаёқ бериши шарт;

ички аудит ва комплаенс назоратни амалга ошириш учун ўрганишларни режалаштириш даврида марказ тизимидаги мавжуд барча бўлинмалардан назорат объектига таалукли ҳамда эътибор берилиши лозим бўлган маълумотларни сўраб олиш;

соҳада коррупция ҳолатларга кўпроқ мойил бўлган йўналишларни аниқлаш ва тегишли тадбирларни ўтказиш;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка асосан давлат харидларни тўғри ўтказилишини ўрганиш;

Ўз ваколати доирасида ички аудит ва комплаенс назорат объектининг мансабдор ва жавобгар шахсларидан ички аудит ва комплаенс назоратни ўтказишда юзага келаётган саволлар бўйича ёзма тушунтиришлар беришни ҳамда назорат натижалари бўйича ҳужжатларни имзолашни талаб қилиш;

ички назорат ва комплаенс назорат тизимини ташкил этиш бўйича доимий равишда маслаҳатлар бериб бориш;

ички аудит ва комплаенс назорат тадбирлари натижаси бўйича Миллий марказ раҳбарига ахборот бериш ва белгиланган тартибда чора кўриш бўйича таклифлар киритиш;

ички аудит ва комплаенс назорат тадбирини ўтказиш учун тегишли Миллий марказ, унинг тизим ташкилот ва муассасалари ходимларидан (зарур ҳолларда бошқа ташкилот экспертлардан) иборат ишчи гуруҳини шакллантириш;

ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари ўртасида ўрганиш ишларни тақсимлаб бериш. Бунда тегишли марказ, унинг тизим ташкилот ва муассасалари раҳбарлари ўрганишга жалб қилинган ходимларни ички аудит ва комплаенс назорат эҳтиёрига юборишлари лозим;

ички аудит ва комплаенс назорат ўрганишини ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил тарзда белгилаш;

ички аудит ва комплаенс-назоратини ўтказишда назорат объектининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда олишга, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ўрганишга;

ички аудит ва комплаенс-назорати ходимлари юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар, аниқланган камчилик ва муаммолар юзасидан, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаган ҳолда, маслаҳатлар бериши мумкин;

ўрганиш якуни бўйича расмийлаштирилган маълумотларни марказнинг тегишли бўлимларига ўз йўналишлари бўйича белгиланган тартибда чора кўриш учун ва иш давомида фойдаланиш учун киритиш;

айрим ўз ишини пухта, вақтида ва сифатли бажарган марказ, унинг тизим ташкилот ва муассасалар ходимларини рағбатлантириш таклифини марказ раҳбарига киритиш;

сурункали равишда топшириқларни, иш режани бажармаган ва сифатсиз, асосланмаган маълумотларни тақдим этган марказ, унинг тизим ташкилот ва муассасалар ходимларини интизомий жазога тортиш учун таклиф киритиш;

ички аудит ва комплаенс-назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Ички аудит ва комплаенс-назорати ходимлари қўйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этиш, ички аудит ва молиявий назорат объектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни самарали бажариши;

ички аудит ва комплаенс-назоратини ўтказиш чоғида мустақилликни, олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши;

қонун ва қонуности ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига мос равишда ўтказиши;

ички аудит ва комплаенс-назорат ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш режасини ишлаб чиқиш ва марказ раҳбарига тасдиқлаш учун киритиш;

кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириши;

олинган хужжатларнинг асли нусхасини сақланиши ва қайтарилишини таъминлаши;

одоб-ахлоқ қоидалари ва талабларига риоя этиш ва риоя этилиш;

манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган ҳолатлар бўйича, марказ раҳбарига хабар бериш;

ички аудит ва комплаенс-назорат тадбирлари натижаларига доир хужжатларни тўғри расмийлаштириш;

4-боб. Ички аудит ва комплаенс-назорат бош мутахассиснинг асосий функционал вазифалари

13. Бош мутахассиснинг асосий функционал вазифалари қуйидагилардан иборат:
ички аудит ва комплаенс назорат тўғридан-тўғри марказ бош директорига бўйсинади ва унинг олдида ҳисобдордир;

тегишли буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ички аудит ва комплаенс-назоратнинг йиллик иш режалари ишлаб чиқилиши, уларни тасдиқлаш учун киритиш, кўрсатилган вазифалар ва тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаради;

ички аудит ва комплаенс-назоратнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун марказ бош директорига киритиш;

ички аудит ва комплаенс назорат тадбирларини қонун хужжатларига ва мазкур Низом талабларига мос равишда ўтказилишини таъминлайди;

ўз касбий малакасини ошириш ва қайта тайёрловдан ўтиш режасини ижро этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига риоя этади, ички аудит ва комплаенс назорат объектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди;

одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ марказ ва унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар коррупция ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди, таҳлил қилади, бартараф этади;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддат ва тартибда ваколатига тегишли бўлган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни тизимли ўтказиш бўйича самарали иш ташкил этади;

ўз функционал вазифалари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

Марказга тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз йўналиши бўйича тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқишда иштирок этиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этилишини, ички аудит ва комплаенс-назорат объектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини;

ички аудит ва комплаенс-назорат тадбирлари натижаси бўйича марказ бош директорга ахборот беради ва белгиланган тартибда чора кўриш бўйича таклифлар киритади;

ўрганиш натижаси бўйича аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ва чора тадбирларни ишлаб чиқади;

манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган ҳолатлар бўйича марказ бош директорига хабар беради;

ички аудит ва комплаенс назорат юзасидан ўтказиладиган ўрганиш ва текширувлар жараёнида ходимларни одоб-ахлоқ қоидалари ва талабларига риоя этади;

тегишли давлат органлари билан ахборот алмашувини (ҳамкорликни) таъминлайди.

5-боб. Ички аудит ва комплаенс-назорат бош мутахассиснинг асосий функционал вазифалари

14. Тизим ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича марказ бош директорига таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида тизимга ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

ўз функционал вазифалари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш; ички аудит ва комплаенс назорат тадбирларини қонун ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига мос равишда ўтказилишини таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларига ҳам эга бўлиши мумкин.

6-боб. Ички аудит ва комплаенс назорат фаолиятини ташкил этиш

15. Ички аудит ва комплаенс назорат мавжуд штат бирликларини қисқартиришга ва уларни марказнинг бошқа таркибий бўлимларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди.

16. Ички аудит ва комплаенс назорат ўз фаолиятини марказ бош директори томонидан тасдиқланадиган иш режа ва бошқа топшириқлар асосида ташкил этади.

17. Ички аудит ва комплаенс назорат ходимлари марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

7-боб. Касбий тайёргарлик ва малака ошириш

18. Ички аудит ва комплаенс назорат ходимлари малака талабларига жавоб бериши ва ўз функционал мажбуриятларини тўлақонли бажаришлари учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

8-боб. Ички аудит ва комплаенс назорат марказ тизим ташкилот ва муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

19. Ички аудит ва комплаенс назорат марказнинг тизим ташкилотлари ва муассасалари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

20. Тегишли топшириқларни етказди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

21. Ўрганиш натижасида, такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

22. Уларнинг фаолиятини режалаштиришни, идоравий назоратни ўрнатишга доир таклифлар беради.

9-боб. Ички аудит ва комплаенс назорат фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

23. Қуйидагилар Ички аудит ва комплаенс назорат фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳисобланади:

1) юкланган вазифаларнинг бажарилиши

бунда Ички аудит ва комплаенс назорат фаолияти қуйидаги рейтинг кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

а) фаолияти билан боғлиқ соҳада белгиланган иш режани бажарилишига эришиш;

б) оммавий ахборот воситалари билан ишлаш;

2) одоб-ахлоқ ва ички-тартиб қоидаларга риоя этилиши;

3) хорижий тилларни билиш, илғор хорижий тажриба, фан-техника ютуқлари ўрганилиши ҳамда тарғиб ва жорий қилиниши юзасидан таклифлар киритиш.

24. Ички аудит ва комплаенс назоратга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини баҳолаш қуйида келтирилган вазифаларни бажарилишига қараб баҳоланади.

25. Ўтказилган ўрганишлар, текширувлар, таҳлил ва мониторинглар натижасида аниқланган салбий ҳолатлар, хато камчиликларни бартараф этиш ва келгусида такрор содир этиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан назорат объектига тақдим этилган чора-тадбирлар режаси, мажбурий кўрсатмалар (чора тадбирлар)ни тегишлилиги бўйича марказ, унинг тизим ташкилот ва муассасалари томонидан бартараф этилиши (қўмаклашиши) самарадорлиги ва натижадорлиги.

26. Ички аудит ва комплаенс назорат фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Ички аудит ва комплаенс назорат ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш.

27. Ички аудит ва комплаенс назорат фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

10-боб. Ички аудит ва комплаенс назорат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

28. Ички аудит ва комплаенс назорат ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

29. Ички аудит ва комплаенс назорат ходимлари иш ҳақи, лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 июндаги 487-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ва бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларга асосан тўланади.

11-боб. Ички аудит ва комплаенс назоратнинг ҳисобдорлиги

30. Ички аудит ва комплаенс назорат томонидан ички аудит ва комплаенс назорати натижалари юзасидан ҳисобот тузилади ва белгиланган тартибда марказ йиғилишларида ҳисоботи эшитилиши мумкин.

12-боб. Мазкур Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

31. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32. Ички аудит ва комплаенс назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

Ички аудит ва комплаенс назорат
бош мутахассиси




Б.Тайиров

Келишилди:

Бош директор ўринбосари

Ш.Ахмедов

Бош илмий котиб



Н.Хушмотов

Ходимлар билан ишлаш
шўъбаси мудири



Б.Тўлабоев

Бўлим бошлиғи-бош ҳисобчи



М.Кўзибеков

Бош юристконсулт

Б.Ортиқов